



Ижтимоий-сиёсий газета

№ 104 (1430), 2025 йил 23 май, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



# ЎЗБЕКИСТОН – СЛОВЕНИЯ: ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР МУНТАЗАМЛИГИ УЧУН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ МУЛОҚОТЛАРНИ ФАОЛЛАШТИРИШ МУҲИМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусарнинг таклифига биноан 21-22 май кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



22 май куни Люблянадаги Конгресс майдонида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбарини Словения Президенти Наташа Пирц Мусар самимий кутиб олди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул сафланди. Ҳарбий оркестр Ўзбекистон ва Словения давлат мадҳияларини ижро этди.

Икки мамлакат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтиб, расмий делегациялар аъзолари билан саломлашди.

Расмий маросимдан сўнг “Звезда” боғида уруш қурбонлари хотирасига ҳурмат ҳамда тинчлик ва инсонпарварлик гоҳларига садоқат рамзи сифатида Барча урушлар қурбонлари ёдгорлигига гул қўйилди.

Шундан сўнг Любляна шаҳридаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Словения Республикаси Президенти Наташа Пирц Мусарнинг тор доирадаги ва расмий делегациялар иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Словения етакчисига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, сўнгги йигирма йилда илк бор ўтказилаётган олий даражадаги тадбирлар икки мамлакат муносабатларида янги босқичнинг бошланиши сифатида тарихга киришини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Словения ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сиёсий мулоқот, турли даражадаги алоқалар ва ишбилармонлик учрашувлари фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Икки мамлакат БМТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш уч баробар кўпайди. Маданият ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда. Ўзбекистонда Словения фуқаролари учун визасиз режим жорий этилган.

Икки томонлама муносабатларга тизимли тус бериш учун олий ва юқори даражадаги мунтазам мулоқотни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Товар айирбошлашни кўпайтириш ва унинг ҳажмини, энг аввало, маҳсулотлар турини кенгайтириш ва импорт ўрнини босиш ҳисобига биринчи босқичда 500 миллион еврога етказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистондан тўқимачилик, мева-сабзавотлар, минерал ўғитлар, мис маҳсулотлари ва бошқа саноат товарлари, Словениядан эса дорин-дармонлар, илгор технологиялар ва ускуналар етказиб бериш шулар жумласидан.

Словениянинг “Копер” порти салоҳиятидан Европа Иттифоқи бозорига чиқиш учун логистика хаби сифатида фойдаланиш имкониятлари ўрганилди.

Словениянинг етакчи компаниялари билан Саноат кооперацияси дастурини қабул қилиш, шунингдек, замонавий асбоб-ускуналар, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, фармацевтика маҳсулотлари, шу жумладан, асал ва шифобахш гиёҳларга асосланган дори ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, энергетика

объектларини қуриш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Меҳнат миграцияси соҳасида тизимли ҳамкорлик қилиш учун тил, касбий кўникмалар ва меҳнат стандартлари бўйича ўқитиш, мослаштириш дастурларини ишлаб чиққан ҳолда Уюшган меҳнат миграцияси тўғрисидаги битимни тайёрлашга келишиб олинди.

Туризмни, айниқса, қишлоқ ва тоғли ҳудудларда ривожлантириш истиқболли йўналиш сифатида белгиланди. Таълим соҳасида томонлар дипломлари ўзаро тан олиш тўғрисидаги битимни имзолашга ҳамда Любляна ва Марибор университетлари билан қўшма таълим дастурларини йўлга қўйишга келишиб олдилар.

Бундан ташқари, келгуси йилда Тошкент шаҳрида икки мамлакат олий таълим муассасалари ва илмий марказлари иштирокида Ёшларнинг инновацион лойиҳалари форуми ўтказилди.

Гуманитар алмашинувни мустаҳкамлаш мақсадида томонлар ўзаро маданият кунлари

ва Любляна шаҳрида Ўзбек киноси ҳафталигини ўтказиш ташаббусини илгари сурдилар. Белгиланган барча вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ҳукуматлараро комиссиянинг биринчи йиғилишини жорий йил июль ойида Любляна шаҳрида ташкил этишга қарор қилинди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Словения Президенти Наташа Пирц Мусарга ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга келишни таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Словения Республикасига расмий ташриф доирасида ушбу мамлакат Бош вазيري Роберт Голоб билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон билан Словения ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ва амалий шерикликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда кенгайтириш масалалари диққат марказида бўлди.

Бўлиб ўтган олий даражадаги музокараларнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Савдо, инвестиция ва кооперация соҳаларида биргаликдаги ишларни фаоллаштириш муҳим экани таъкидланди. Ташриф доирасида ўтказилган бизнес форуми янги алоқаларни ўрнатиш ва қўшма лойиҳаларни илгари суриш учун самарали майдон бўлиши таъкидланди.

Талаб юқори бўлган маҳсулотларни ўзаро етказиб беришни кўпайтириш орқали товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион еврога етказиш чоралари кўриб чиқилди. “GSP+” преференциялар тизими ва имзоланган стандартлаштириш тўғрисидаги битим ҳам савдонинг ўсишига туртки беради.

Технологик модернизацияга урғу берган ҳолда Саноат кооперациясини ривожлантириш дастури тайёрланади. Шу маънода, Словения етакчи компанияларининг Ўзбекистонда электротехника, ускунасозлик, фармацевтика, “ашиил” энергетика, “ақли” қишлоқ хўжалиги соҳаларида лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги интилишлари қўллаб-қувватланди.

► Давоми 2-бетда

## КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ ДАВРИГА ҚАДАМ ҚўЙИЛМОҚДА

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СўНГГИ 20 ЙИЛ ИЧИДА СЛОВЕНИЯГА БИРИНЧИ ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ҲАҚИДА



Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 21-22 май кунлари Словенияга бўлиб ўтган расмий ташрифи юқори ҳамкорлик салоҳиятига қарамай, яқин-яқингача ушбу имкониятдан фойдаланилмаган икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди.


► Давоми 2-бетда

## МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ҚАЛБЛАР ТИТРАР, ЖўШ УРАР ҒУРУР  
ВА УЛҒАЯР ЁВҚУР ҚАҲРАМОНЛАР

Биз танлаган йўл

Бу йилги баҳор юртимиз учун қувончли, тарихий воқеаларга бой бўлмоқда. Март ва апрель ойларида уч давлат чегарасида “Дўстлик” стеласи ўрнатилди. Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити бўлиб ўтди. Тошкентда Парламентлараро Иттифокнинг 150-юбилей Ассамблеяси ўтказилди. Булар ҳеч ўйланмасдан ёзганда ёдга тушган воқеалар. Қувонарлиси, май ойи ҳам мамлакатимиз тарихига бир неча муҳим воқеалар билан муҳрланди. Ушбу воқеаларнинг бирини алоҳида ажратиб кўрсатиш, энг муҳими шу, дейиш мумкин. Аммо биз рамзий маънода юртимиздаги барча ўзгаришлар, келгуси режаларни ўзида жамлаган ҳодиса — Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик вакиллари билан учрашувда билдирган фикрларини ушбу тарихий воқеаларнинг марказий нуқтаси деб олдик.



Аввало, бундай қарорга келишини сабабини изохласак. Маълумки, давлатимиз раҳбари ҳудудларга ташрифи давомида доим халқимиз билан мулоқот қилади. Уларнинг ўй-фикрлари билан қизикади. Оддий одамлар, масъуллар фикрига қулоқ тутиб, ана шу жараёнда мамлакат тақдирига дахлдор бўлган ташаббуслар илгари сурилади. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғида жамоатчилик

вакиллари билан учрашувда ҳам худди шундай бўлди. Бу учрашувнинг бошқаларидан фарқи шундаки, унда давлатимиз раҳбари кўпдан буён ўйлаб юрган фикрлари билан ўртоқлашди. Абу Наср Форобий: “Фуқаролар билан мулоқот усуллари ва уларга таъсир ўтказиш йўллари содда ва тушунарли бўлмоғи лозим”, деганида нақадар ҳақ эди. Зеро, фикр доим эркиндир. Шу боис, у доим юракнинг туб-тубидан чиқиб,

инсоннинг асл мақсадини ифодалашга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари янги Ўзбекистон танлаган йўлнинг ҳаммага тушунарли тилда, лўнда етказиб берилгани билан янада долзарблик касб этди. Бугун ана шу фикрлар фониди сўнгги кунлардаги тарихий воқеаларни таҳлил этсак. Уларнинг асл моҳиятини англашга уринсак. Биз танлаган йўл ҳақида суҳбатлашсак. Зеро,

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида танланган йўлнинг нақадар тўғрилиги ва улғуворлиги бугун биз эришган жуда кўп тарихий ютуқларда кўзга ташланиб турибди.

Миллат фидойилари чироғи ҳеч қачон ўчмайди

Биринчи англам. Давлатимиз раҳбари Ғалаба боғидаги учрашув чоғида: “Бизнинг энг катта бойлигимиз — бутинч ва осийишта ҳаётимиз, Ватанимиз мустақиллиги, халқимизнинг омонлигидир. Бугунги кунда барча ҳаракат ва ислохотларимиз, ҳамма эзгу ниятларимиз бир улғу мақсадга — давлатимиз истиқлоли, эл-юртимизнинг тинчлиги ва осийишталигини мустаҳкамлашга қаратилган. Энг катта мақсад-муддаимиз — меҳнатқаш, майд ва олижабон халқимизни рози қилишдан иборат”, деди.

Дунёнинг бугунги қиёфаси тинчлик нечоғлиқ азиз ва баҳонон неъмат эканини кўрсатиб турибди. Афсуски, турли зиддиятлар дунё миқёсида таҳликали вазиятни юзага келтирмоқда. Бу иқтисодиётдан бошлаб барча соҳа ривожига тўсиқ бўлаётгани ҳам аччиқ ҳақиқат. Масалан, битта давлат осмондаги нотинчлик сабаб ўнлаб мамлакатларни боғлайдиган авиарейсларнинг кечикиши, ҳатто бекор бўлиши ҳам кузатишмоқда. Ана шу фонда иқтисодий урушлар авж олаётгани ҳам бор гап. Бунинг оқибати фақат зиддиятга киришган давлатлар билан чекланиб қолмайди. Глобал дунёда бунинг имкони ҳам йўқ. Ана шундай вақтда танланган йўл қанчалик қийин бўлмасин, фақат олдинга қараб бориш, тўғри йўл танлай олиш... ниҳоятда оқиллик ва жасоратли юришларни талаб этади. Зеро, қадимги Римнинг машҳур файласуфи Сенека айтганидай: “Фақат ақл-идрок осийишталигини таъминлай олади”.

► Давоми 3-бетда





# ЖСТга АЪЗО БЎЛИШ

## ДУНЁ БОЗОРИДАГИ ЎРНИМИЗНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга. Чунки бу жараён нафақат мамлакатнинг халқаро савдо тизимига тўлақонли интеграциялашувини таъминлайди, балки замонавий глобал иқтисодий макондаги иштирокини мустаҳкамлайди. Инвестициявий жозибадорликни ошириб, ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва экспорт салоҳиятини кескин кенгайтириш орқали миллий ривожланишнинг янги босқичига йўл очади. Шу боис, ЖСТга аъзолик Ўзбекистоннинг узоқ мuddатли иқтисодий сиёсати ва барқарор тараққиёт стратегиясининг ажралмас таркибий қисми сифатида долзарб.



Жорий йил 14 май куни давлатимиз раҳбари хузурида ЖСТга аъзо бўлиш жараёни ва уни жадаллаштириш чора-тадбирлари бўйича ўтказилган тақдиротда шунга алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳон савдо ташкилотига аъзолик Ўзбекистон учун кенг қамровли стратегик имкониятларни очади. Бу, аввало, халқаро савдо тизимининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида мамлакат экспорт салоҳияти ошиши, экспорт географиясини кенгайтириш ҳамда янги бозорларга кириб боришда намоён бўлади. Шу билан бирга, ташқи иқтисодий сиёсатда барқарорлик, инвестиция оқими, кўп томонлама савдо шартномаларидан фойдаланиш, технология кўчирмалар ва илмий-таълимий ҳамкорлиқни ривожлантиришда муҳим.

Президентимиз ташаббуси билан 2023 йилдан бошлаб ЖСТга аъзолик масаласи стратегик вазифа сифатида белгиланиб, алоҳида назоратга олинган. Шу мақсадда халқаро савдо портларига кенг йўл очиб, хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар, кооперациялар ва кластерлар фаолиятини кенгайтириш орқали экспорт ҳажминини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўриб келинмоқда.

Шу кунгача ЖСТга аъзо бўлиш йўлида Ўзбекистон томонидан қатор муҳим ишлар бажарилди. Жумладан, икки томонлама музокарадан босқичида 24 давлат билан савдо-иқтисодий ҳужжатлар келишилди. Минтақавий ва глобал иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик

мустаҳкамланди. ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида Ўзбекистон миллий қонуналигини ташкилот талабларига мувофиқлаштириш мақсадида 13 та янги қонун, Президентнинг 10 та қарорини ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 19 та қарори ҳамда 10 та идоралараро норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Бундан ташқари, божхона тартиб-қоидалари, экспорт-импорт механизмлари ва интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими босқичма-босқич ЖСТ стандартларига мослаштирилди. Мамлакатда давлат улуши мавжуд бўлган 6 та йирик корхонада эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилиниб, эркин ва соғлом рақобат учун шарт-шароитлар яратилди.

ЖСТга аъзолик нафақат савдо ҳажминини ошириш, балки қўшимча қиймат занжирларига тармоқланиш орқали минглаб янги иш ўринларини очилишига сабаб бўлади. Логистика инфрақурилишини кенгайтириш, илм-фан ва таълим интеграциясини кучайтириш орқали комплекс ижтимоий-иқтисодий ўсишга туртки беради.

Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон учун ташқи савдо алоқаларини ривожлантириш баробарида ички иқтисодий бошқарув тизимини тубдан институционал ислоҳ қилишда муҳим ўрин тутди. Хорижий инвесторлар ишончини мустаҳкамлаб, халқаро технологиялар, молиявий ресурслар ва илгор бошқарув таъжрибаларининг ички бозорга жадал кириб келишини таъминлайди. Пировардида янги иш ўринлари яратилади, илм-фан ва таълим тизими тақомиллашиб, логистика, хизмат кўрсатиш тармоқлари замонавийлашувига кенг йўл очилади. Булар “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига ҳам мос. Унда миллий иқтисодиётнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг глобал ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат занжирига интеграциясини янада чуқурлаштириш, эркин бозор тамойилларини амалда татбиқ этишни кенгайтириш каби вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотининг 2026 йилда Камерунда бўлиб ўтадиган 14-вазирлар конференциясига унга аъзо бўлишни режа қилляпти. Бу билан мамлакатимиз халқаро савдо майдонининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида минтақавий ва глобал иқтисодий интеграция жараёнларида фаол иштирок этади. Масъул ва ташаббускор давлат сифатида намоён бўлади. Шу нуктага назардан, ЖСТга аъзолик борасидаги бутунги саъй-ҳаракатларни келажак учун мустаҳкам замин, десак бўлади.

Шерзод СИНДАРОВ,  
иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

Кейинги пайтда қашқадарёлик миришкорларнинг таърибаси анча ошди. Мамлакатда биринчилардан бўлиб полиз маҳсулотлари билан бозор расталарини тўлдиряпти. Бу борада, айниқса, кўкдалалик дехқонларнинг маҳоратиغا қойил қолмай илож йўқ. Ҳар йили эртапишар тарвуз етиштириб, нафақат ички, балки ташқи бозорларни ҳам таъминлаб келмоқда. Шубҳасиз, бу натижага шунчаки эришиб бўлмайди. Унинг ортида заҳматли меҳнат, матонат ва сабр ётибди.

# КЎКДАЛА ТАРВУЗИ

## ЭКСПОРТ ҚИЛИНА БОШЛАДИ

Қиш чилласида қўлига кетмон олиб, ерга уруғ қадай бошлаган кунданок дехқонда тиним бўлмайди. Дуга усулида қўчат экиб, совуқдан ҳимоялашга киришади. Машақатли меҳнатнинг роҳатиға етгунча ҳаракатдан тўхтамайди. Мана шунча заҳматдан сўнг айни пайтда Кўкдала тумани далаларида иш қизгин. Пушталарни тўлдириб етилган тарвуз ҳосилини кўриб кўз қувнайди.

Сўнгги уч-тўрт йилда туман аҳолиси нафақат кенг майдонга, балки томорқасига ҳам эртапишар тарвуз екишни йўлга қўйган. Натижада ўз бандлигини таъминлаб, яхшигина даромад ҳам топтомоқда.

— Бу йил май ойи анча иссиқ келди, — дейди дехқон Худойкул Диев. — Юқори ҳарорат эса тарвузнинг янада эрта пишиб етилишига сабаб бўлди. Уч йилдан бери айнан тарвуз екиш билан шугулланиб келамиз. Даромад ёмон эмас. Оиламиз билан ишлаймиз. Шунинг ортидан рўзгоримиз обод.

Яхшимурод Қобиллов бир неча йилдан бери фермерлик билан шугулланади. У ҳар йили тарвуз экиб, ҳосилнинг асосий қисmini чет элга сотади. Бу йилги шартномага кўра, уч кун олдин далаининг ўзидан хорижга тарвуз сота бошлади.

— Бу йил февралнинг ўрталарида қўчат эккандик, — дейди “Қобиллов Хўроз Холбоевич” фермер хўжалиги раҳбари Яхшимурод Қобиллов. — 4 гектар ерга дуга усулида, 16 гектар жойига плёнка остида етиштирдик. Ҳозир ҳосилининг бир қисми тўлиқ пишиб етилди. Гектаридан ўртача 30 тоннагача тарвуз олиш режамиз бор. Келишувимизга асосан, яқинда хорижлик ишбилармонлар тарвузимизни харид қила бошлади. Энди босқичма-босқич етказиб берамиз. Бундан ташқари, икки йилдан ҳам таъминлаш учун маҳаллий тадбиркорлар билан шартнома тузганмиз. Мақсадимиз — сифатли, мазали тарвуз билан элимиз дастурхонини тўлдириш. Ҳозир фермер хўжалигимизда 6 киши доимий иш билан таъминланган, 30 одам мавсумий ишга жалб этиб келинади.



Кўкдала тумани ҳокимлиги маълумотиға кўра, жорий йилда туманда тарвуз екиладиган ер майдони сезиларли даражада кенгайтирилган. Жумладан, аввалги 15 минг гектар ўрнига 22 минг гектарга етказилган. Шундан 10 минг гектар майдонга “Долби” навли тарвуз экилган. Мазкур нав сувсизлик ва иссиққа чидамлилиги, юқори ҳосилдорлиги ҳамда экспортга яроқлилиги билан ажралай туради. Шунингдек, оддий навларга нисбатан анча эртапишар ва харидорлиги. Айни пайтда кўкдалалик дехқонлар Россия, Қозғистон ва Қирғизистонга тарвуз экспортини бошлаб юборган.

Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Лайло Жўракулованинг маълум қилишича, вилоятда рўйхатдан ўтган ташкилотлар томонидан ҳозирга қадар деярли 2 минг тоннага яқин тарвуз экспортга чиқарилган. Мавсум давомида бу кўрсаткич яна ортиши айтилмоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# ЁШЛАР УЧУН ЯНГИ ЛОЙИЖАЛАРГА ИМКОНИЯТ

Бугунги кунда рақамли технологиялар ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларида муҳим иштирокчига айланиб улгурди. Бу жараён молиявий секторда ҳам ўз аксини топаётди. Хусусан, краудфандинг каби инновацион молиялаштириш усуллари пайдо бўлиб, тез суръатларда ривожланмоқда. Статистик маълумотларга кўра, глобал краудфандинг бозори 2023 йилда 20,34 миллиард долларга баҳоланган. Ушбу бозор 2024 йилдан 2032 йилгача йиллик ўртача 18,24 фоиз ўсиш суръатида ривожланиши ва 2024 йилдаги 24,05 миллиард доллардан 2032 йилга келиб 91,88 миллиард долларга етиши kutilmoqda. Бу жараён технологиялар ривож ва глобал микёсда онлайн платформалар кучайиши фонида янги босқичга кўтарилиб, анъанавий молиявий институтлардан ташқарида янги молиявий экотизим шаклланаётганидан далолат беради.



**Аминжон ҚАЛАНДАРОВ,**  
Тошкент давлат юридик  
университети бизнес ҳуқуқи  
кафедраси ўқитувчиси

Краудфандинг жамоавийликка асосланган бўлиб, унда кўплаб инвесторлар ёки оддий фуқаролар кичик миқдордаги маблағ ажратиш орқали бирор лойиҳа ёки гоёни молиявий кўлаб-қувватлайди.

Сўнгги йилларда краудфандинг орқали маблағ йиғиш даволаниши ва реабилитация, истиқболли тижорат лойиҳаларини, сиёсий фаолиятни молиялаштириш, ободонлаштириш, хайрия, илм-фан, шунингдек, адабиёт ва санъат, спорт каби асосий йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда.

Эҳсонни краудфандинг турларига, шу билан бирга, инвестицияни амалга ошириш усулларида киритиш имконияти масаласи қонунчиликда белгиланган инвестиция тушунчасига асосланади, бу ерда мақсад нафақат фойда олиш, балки бошқа муҳим натижа-ларга эришиш бўлиши мумкин. Амалдаги қонунчилик нуқтани назаридан, инвестор кўчмас мулк объектиларини харид қилиш, қуриш, интеллектуал мулк объектиларига бўлган ҳуқуқларни сотиб олиш, акциялар, устав фондидаги улушлар, тижорат ташкилотларнинг мол-мулкидан пайларга эгаллик қилиш ёки бошқа усуллар орқали фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган муҳим натижага эришиш мақсадини кўзлайди.

Ҳозир краудфандингнинг кўплаб турлари мавжуд ва улар сафига янгилари ҳам қўшилишда давом этмоқда. Уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятлар ҳамда мақсадларга эга. Краудфандинг моделларининг қуйидаги тўртта асосий турини ажратиш мумкин.

**Хайрияга асосланган краудфандинг (donation-based crowdfunding ёки crowddonating)** оддий модель бўлиб, одатда ижтимоий ёки хайрия мақсадларида қўланилади. Инвесторлар, асосан, альтруистик мотивация билан ҳаракатланади ва улар эвазига бирор нарса қутмасдан пул хайрия қилади. Агар тadbirkor ёки ихтирочи янги маҳсулот, хизмат учун ажойиб гоёга эга бўлса, краудфандинг банклари, бошқа молиявий институтлар ва жисмоний шахслардан жалб этиладиган қарз ёки акцияларни тақлиф қилиш орқали пул жалб қилишнинг анъанавий усуллари билан фарқли ўлароқ, муқобил усулни тақлиф қилади. Хайрияга асосланган краудфандинг орқали тadbirkor ўз маҳсулотини лойиҳага қўйишдан кичик миқдорда хайрия қиладиган кўп сонли кўлаб-қувватловчиларга олдиндан сотиш имконига эга. Бунда хайрия миқдорини рағбатлантириш учун тadbirkor молиялаштириладиган лойиҳа ёки компанияга эгаллик ҳуқуқини тўлиқ саклаб қолади. Хайрия ташкилотлари ёрдам йиғиш

воситаси сифатида кўмак кўрсатиш сайъ-ҳаракатлари ёки ташкилотни кўлаб-қувватлаётган сабаблар учун краудфандингдан фойдаланиши мумкин. Мисол учун, хайрия ташкилотлари табиий офатлар юз берганде, ҳаёқатли буюнлар ёки зилзилалардан жабрланганларни қидириш, қутқариш ва даволашга ёрдам бериш учун маблағ тўплаши мумкин бўлади. Табиий офат ҳудудига озиқ-овқат ва кийим-кечак ташишни молиялаштириш каби махсус эҳтиёжлар учун платформалар ташкил этилиши ҳам шулар жумласидан. Хайр-эҳсонлар вақтинчалик бошпаналар қуриш ёки тиббий буюмлар харид қилиш учун олиниши мумкин. Краудфандинг инфратузилма ва коммунал хизматларни реконструкция қилиш учун маблағ йиғишда ҳам ишлатилиши амалиётда мавжуд.

**Муқофотга асосланган краудфандинг (reward-based crowdfunding)** энг машҳур моделлардан бирidir. Номидан кўриниб турганидек, молиялаштирувчилар лойиҳага олиб келган пул миқдорига қараб муқофот олади. Муқофотлар оддий нарсалардан, масалан, миннатдорлик хатидан маҳсулот прототипига бўлиши мумкин. Муқофотга асосланган краудфандингда муқофотлар пул кўринишида бўлиши мумкин эмас. Ушбу модель, асосан, санъат, мусиқа, ўйинлардан тортиб дизайн ва технологияга бўлган ижодий лойиҳалар учун ишлатилади. Бундан ташқари, муқофот модели кўпинча бозорга киришдан

аввал олдиндан сотиш шакли сифатида ишлатилади. Шунингдек, муқофотга асосланган краудфандинг пулни қайтариб бермаслик афзаллиги туфайли маблағ йиғишнинг жозиба-ли вариантidir.

**Кредитга асосланган краудфандинг (lending-based crowdfunding ёки crowdlending)** Истеъмолчи (P2P) ва бизнес кредит-лаш (P2B) кўринишидаги кредитга асосланган краудфандинг Европадаги муқобил молия бозорининг энг катта сегментини ташкил қилади. Ушбу турдаги краудфандингда молиялаштирувчилар истеъмолчиларга ёки корхоналарга кичик қарзлар орқали маблағ беради ва бунинг эвазига фоиз олади. Бу банклар тақлиф қиладиган кредит-лардан пастроқ нархда қарз олишининг бир усулидир.

Шу ўринда нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти ва кредитга асосланган краудфандинг ўртасидаги фарқли жихатларга эътибор қаратиш мумкин. Ўзбекистон Марказий банки расмий сайтида 2024 йил 26 апрель ҳолати бўйича микромолия ташкилотлари рўйхати келтирилган. Ўзбекистон ҳудудида 93 та микромолия ташкилоти рўйхатдан ўтган. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш компаниялари асосан кредит бериш орқали кичик корхоналар, яқна тартибдаги тadbirkorлар, паст даромадли аҳоли қатламлари ёки молиявий бозорнинг бошқа сегментларидаги мижозларни кўлаб-қувватлайди. Бу ташкилотлар кичик миқдорда кредит бериш, лизинг, гаров таъминотини осонлаштириш, савдон молиялаштириш каби хизматлар кўрсатади. Улар одатда қисқа муддатли ва кичик ҳажмли молиявий маҳсулотлар тақлиф қилади. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш ташкилотлари банкларга қараганда камроқ гаров талаблари қўяди ва кредит бериш жараёни оддийлаштирилган бўлади. Бунинг эвазига улар юқори фоиз ставкалари билан ишлаши мумкин. Кредитга асосланган краудфандингдан одатда гаров талаб қилинмайди. Нобанк кредит ташкилотлари фоиз ставкалари бозор шароитларига кўра белгиланади, одатда юқориқроқ бўлиши ҳам



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



кузатилади. Краудфандингнинг ушбу моделе-да эса ставкалар инвесторлар ва платфор-ма ўртасидаги келишувга асосланган бўлади.

**Акцияларга асосланган краудфандинг (equity-based crowdfunding ёки crowdinvesting)** инвесторларга кичик миқдордаги акциялар-ни сотиб олиш орқали молиялаштириладиган компания акциядорлари бўлиш имкониятини тақлиф қилади. Инвесторлар молиявий ҳис-салари эвазига бизнеснинг потенциал фой-дасига шерик бўлади. Капиталга асосланган илк краудфандинг платформаларидан бири 2010 йилда ишга туширилган **Crowdcube** (<https://www.crowdcube.com/>) ҳисобла-нади. Шунингдек, краудфандинг жараёни **Wefunder** ва **StartEngine** каби ихтисослаш-ган онлайн платформаларда ҳам амалга оширилади.

Ушбу модель инвесторларга молиявий қимматли қоғозларни тақлиф қилиш орқали капитални оширишнинг анъанавий усулини тақдим этади. Краудфандинг платформаси-нинг рақамли табиати молиялаштиришнинг янада либерал ва очиқ бўлишига хизмат қилади.

## Имконият ва хавф

Краудфандинг механизми кўлаб ижодий имкониятлар яратади. Хусусан, у стартаплар учун анъанавий банк кредитсиз маблағ жалб қилиш, фуқаролар учун қизиқарли лойиҳалар-ни кўлаб-қувватлаш ва улардан фойда олиш, шунингдек, ижтимоий лойиҳалар ҳамда ма-даний тadbirkorлар учун янги молиялаштириш манбаи яратиш имконини беради.

Бироқ краудфандинг фаолияти билан боғлиқ хавфлар ҳам йўқ эмас. Маблагнинг мақсадсиз ишлатилиши, инвестицияни қай-тариш қафолатлари йўқлиги, фирибгарлик ва инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимоясизлиги каби хатарлар шулар жумласидан.

## Мамлакатимиз қонунчилигида краудфандинг

2018 йил август ойида хорижий мамла-катлар тажрибасидан ўрнак олган ҳолда юри-тимизда ҳам краудфандинг платформа май-дончаси ишга туширилди. Аммо MFond.uz деб аталувчи ушбу платформа оммалашма-гани боис, унинг фаолияти тўхтади. 2013 йилда ҳам ОАВда турли лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағ жалб этиш билан шу-ғулланадиган **Fasto.uz** онлайн майдончаси ишга туширилгани, унинг доирасида бир неча лойиҳа тақлиф этилгани ҳақида хабар-лар чиққан эди. Бироқ орадан бир йил ўтган, бу платформа иш фаолиятини тўхтатган. Президентимизнинг 2020 йил 28 апрелдаги “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарорига мувофиқ, шунингдек, тadbirkorлик субъектларининг стартаплари ва лойиҳаларини молиялаштиришнинг муқобил механизмларини жорий этиш мақсадида 2020 йил 30 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг “Краудфандинг платформаси орқали ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни оммавий молиялаштириш механизмларини яратиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси эълон қилинди. Унга Ахборот технологиялари со-ҳасидаги лойиҳаларни оммавий молиялаш-тириш (краудфандинг) тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом илова сифатида берилган. Ушбу низомда краудфандинг платфор-маси фаолиятини ташкил этиш, лойиҳаларни краудфандинг платформасига жойлаштириш

ва уларни молиялаштириш тартиблари каби масалалар акс этган.

Бу замонавий молиялаштириш майдон-часидан фойдаланиш эҳтимоли мамлакатим-изда паст даражада бўлса-да, краудфанд-инг платформаси фаол ҳаракатларни амалга оширмайпти деб айтиш ҳам ноўрин. Халқ томонидан молиялаштириш имкониятини такомиллаштириш муайян вақт талаб этади. Бунда аҳоли краудфандинг майдончасидан фойдаланиши ва тақдим этиладиган лойиҳа-ларни молиялаштириш учун билим ҳамда малака талаб этилади. Шу боис, мамлакатим-изда краудфандинг платформаларини ри-вожлантириш, самарали ишлашини таъмин-лаш учун, аввало, оммавий ҳам бу борадаги билимларни, қизиқиларини орттириш йў-лида тарғибот ва тушунириш ишлари кенг микёсда олиб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Мамлакатимиз қонунчилигида ҳозирча краудфандинг муносабатлари тўлиқ тартиб-га солинмаган. Бу эса мазкур соҳада ҳуқуқий ноаниқликлар ва инвесторлар учун хавф туг-диради. Бироқ умумий молиявий, шартнома ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи нормалар айрим ҳолларда краудфандинг плат-формаларига ҳам таътиқ этилиши мумкин.

Фуқаролик кодексидagi шартнома эр-кинлиги принципи асосида платформа ва фойдаланувчи ўртасида шартнома тузилади. “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Шахста доир маълумотлар тўғрисида”ги ва “Истеъ-молчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғри-сида”ги қонунлар каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар краудфандинг платформаларида фойдаланувчиларнинг манфаатларини қис-ман ҳимоя қилади.

Молиявий фаолиятнинг айрим турлари (масалан, сармоя жалб қилиш) учун лицен-зиялаш талаблари мавжуд бўлиб, краудфанд-инг платформалари фаолиятига ҳам таътиқ этилиши эҳтимоли бор.

Кўлаб давлатларда краудфандинг ало-ҳида қонунлар билан тартибга солинади. Масалан, АҚШда **Jobs Act** орқали, Европа Иттифоқида эса **2020/1503-регламент** крауд-фандинг хизматларини кўрсатиш қоидалар-ини белгилайди. Бу ҳуқуқий тартиботлар инвесторларни ҳимоя қилиш, платформалар фаолиятини шаффофлаштириш ва молиявий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

## Қандай ҳуқуқий чора-тадбирлар зарур?

Мамлакатимизда краудфандинг соҳасида бир неча ҳуқуқий чора-тадбирларни кўриш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Краудфанд-инг тўғрисида махсус қонун қабул қилиш, инвесторлар ва маблағ олувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш ҳамда платформаларга лицензия бериш ва фаолият-ини назорат қилиш тизимини яратиш шулар жумласидан.

Краудфандинг замонавий молиявий меха-низмлар қаторида тез ривожланиши ва ўзига хос имкониятлари билан ажралиб туради. Мазкур модель орқали стартаплар, ижтимоий лойиҳалар ва ижодий ташаббуслар учун анъ-анавий молиялаштириш усуллари билан чеклан-маган ҳолда маблағ жалб қилиш имконияти яратилмоқда. Шунингдек, оддий фуқаролар учун ҳам ўз маблагини муайян лойиҳаларга инвестиция қилиш имконияти кенгаймоқда. Шу билан бирга, краудфандинг жараёни билан боғлиқ хавф-хатарлар — маблагнинг мақсадсиз сарфланиши, фирибгарлик ва ин-весторларнинг ҳуқуқий ҳимоясизлиги каби муаммолар мавжуд.

Юқорида таъкидлаганимиздек, крауд-фандинг муносабатлари ҳали тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмагани мазкур платформа ривож санилашувига олиб келиши мум-кин. Шу сабабдан келгусида краудфандинг тўғрисида махсус қонун қабул қилиш, плат-формаларни лицензиялаш ва қатъий назорат тизимини яратиш долзарб аҳамият касб эта-ди. Краудфандинг маданиятини ривожланти-риш учун эса кенг жамоатчилик ўртасида тушунириш ва тарғибот ишларини кучай-тириш зарур.

Зеро, халқаро тажриба ва технологик им-кониятлардан самарали фойдаланган ҳолда краудфандинг юртимизда ҳам инновацион молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бирига айланиши имкониятларни юқори.

Спорт

# ТОШКЕНТДА ИЛК БОР СУЗИШ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси сув спорти саройида бўлиб ўтган сузиш бўйича I Марказий Осиё очик чемпионати мусобақаларида мамлакатимиз ва Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондан келган жами 200 га яқин ёш спортчи иштирок этди.



Тadbirkorнинг очилиш маросимида ўтган ҳафта давомида синхрон сузиш бўйича ўтказилган биринчи Марказий Осиё очик чемпио-нати ҳамда “Сув париси” халқаро турнири, бу ҳафтада Ўзбекистонда илк бор ўткази-ладиган сузиш бўйича I Марказий Осиё очик чемпионати юртимизда жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан, сув спортини ривож-лантиришга қаратилган юксак эътибор натижаси экани алоҳида эътироф этилди. Бугунги кунда Ўзбекистон спортчиларининг халқаро тажрибаларини юксалтириш, ху-сусан, сув спорти соҳасида етакчи хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик-ни тизимли йўлга қўйиш, спортчиларини хал-қаро мусобақаларга тайёрлаш, юқори малака ва тажрибага эга мураббийлар таркибини шакллантириш йўналишларида тизимли иш-лар амалга ошириладиган таъкидланди.

Президентимизнинг 2024 йил 4 ноябрда-ги “Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам-да 2025 йил 13 февраль куни олимпиа ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб чи-қиш ҳамда аҳолининг жисмоний фаолигини ошириш чора-тадбирлари бўйича ўтказил-ган видеоселектор йиғилишида белгиланган

вазифалар ижросини сифатли таъминлаш мақсадида юртимизда илк бор сузиш бўйича ўтказилган Марказий Осиё очик чемпионати иштирокчилари Ўзбекистон касаба уюшма-лари федерацияси томонидан Тошкентда му-носиб кутиб олинди. Меҳмонлар учун Тош-кент шаҳри бўйлаб саёҳатлар ташкил этилди. Жумладан, спортчилар ва уларнинг мураб-бийлари “Янги Ўзбекистон” боғида бўлиб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Мазкур саёҳатлар давомида хорижий мамла-катлардан келган делегациялар вакиллари ва ёш спортчилар сўнгги йилларда янги Ўзе-бекистонда инсон қадрини улуғлаш борасидаги изчил ислохотлар самараси, шу жумладан, спортда эришилган ютуқлар билан яқиндан таништирилди.

Иштирокчилар I Марказий Осиё очик че-пионатини юқори савияда ўтказишга жиддий тайёргарлик кўрилганини алоҳида қайд этди. Мусобақада “А”, “В” ва “С” гуруҳларида 50, 100, 200 ва 400 метрга эркин усулда су-зиш, 200 ва 400 метрга комплекс сузиш, 50, 100 ва 200 метрга чалқанча, 50, 100 ва 200 метрга баттерфляй, 100 ва 200 метрга брасс усулида сузиш, шунингдек, 4x100 метрга комбинацияланган микс эстафетаси, эркин усулдаги микс эстафетаси, эркин услубдаги



эстафета, комбинацияланган эстафета каби йўналишларда ғолиблар аниқланди.

Ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ва Ўзбекистон сув спорти федерацияси томонидан диплом ва медаллар, эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Очиқ чемпионатда Ўзбекистонлик спорт-чилар юксак натижаларни қўлга киритиб, шоҳусуланинг юқори поғоналаридан ўрин олди ҳамда кўлаб олтин, кумуш ва бронза медалларга сазовор бўлди.

Мазкур чемпионат спортнинг сузиш тури-ни нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Мар-казий Осиё минтақасида оммалаштириш ва ривожлантиришга улкан ҳисса қўшади, десак муболага бўлмайди.

Мутахассислар инсон саломатлиги, айниқ-са, ёш авлод ҳар томонлама соғлом вояга ети-шишда спорт турлари ичида сузишни энг фой-дали дея таъкидлайди. Демак, сузиш бўйича Тошкентда ўтказилган очик чемпионат ёшлар-нинг жисмоний фаолиги ва соғлом ривожла-ниши учун ҳам хизмат қилади. Ўз навбатида, мазкур мусобақа “Соғлом инсон — соғлом миллат” гоёсини умуммиллий ҳаракатга ай-лантириш йўлидаги муҳим қадам ҳамда бў-лажақ Олимпиа чемпионларини тарбиялашда ўзига хос тайёргарлик босқичи ҳамдир.

**Жонибек АЛИЖОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янги китоб тақдимоти

“ОСМОНИ  
ФАЛАКЛАРДА”ГИ  
НАФИС МАЖЛИС

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида барча жабҳалар қатори илм-фан, таълим-тарбия, маданият, санъат ва адабиёт, жумладан, китоб ва китобхонлик масалаларига юксак эътибор қаратилаётгани жамоатчилигимизга яхши маълум. Хусусан, жамиятимизда аҳолининг маданий савияси ва мутлоаа маданиятини юксалтиришга доир муҳим ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан бошланган катта ишлар, миллий дастурлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёшлар орасида китобхонликини ривожлантириш ва тарғиб қилиш вазифаси “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг асосий мақсадларидан бири сифатида белгилангани ҳам ушбу масалага қанчалик жиддий эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Айни шу эзгу мақсадда мамлакатимиз миқёсида “Ёш китобхон”, “Зукко китобхон”, “Ёш китобхон оила” сингари қизқарли ташкилотлар, “Ёшлар учун миғ китоб”, “Маърифат улашиб”, “Китоб карвони” акциялари, китоб байрамлари ва ярмаркалари мунтазам ташкил қилинмоқда.

Яқинда Фарғона вилоятида Халқаро китобхонлик фестивали юксак савияда ташкил этилиб, унда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан китобсеварлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, зиёлилар иштирок этгани яна бир муҳим воқеа бўлди.



“Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб ушбу китоб ўзбек адабиётида деярли ёритилмаган мавзу — учувчилар ҳаётига бағишланади. Мажозий маънода “само лочинлари” деб аталадиган машаққатли касб эгаларининг мунтазам мардлик ва матонат талаб этадиган фаолияти, уларнинг фавқулодда ҳолатлардаги қалб кечинмалари, қатъият ва иродаси, севги ва бурчга садоқат туйғуларини чуқур драматизм билан тасвирланади.

Ҳозирги кунда республикамызда 600 дан зиёд нашриёт, 700 га яқин китоб дўконлари, шу билан бирга, китоб етказиб бериш хизматлари ҳамда онлайн савдо платформалари фаолият юритмоқда.

Буларнинг барчаси Ўзбекистонда китобхонлиқ давлат эътиборидаги масала бўлиб, мутлоаа маданиятини юксалтириш умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далолат беради.

Айни пайтда замонавий ўзбек адабиёти ҳам сезиларли юксалиш босқичига қадам қўйганини яратилаётган янги-янги бадиий асарлар мисолида кўриш мумкин.

Куни кеча поштахтимиздаги мухташам “Ренессанс” санъат саройида мана шундай ўзига хос асарлардан бири — “Осмони фалакларда” номли янги китоб тақдимоти бўлиб ўтди.

Таниқли ёзувчи Хайриддин Султон қаламига мансуб ушбу китоб ўзбек адабиётида деярли ёритилмаган мавзу — учувчилар ҳаётига бағишланади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33    Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98    E-mail: info@yuz.uz    Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Бугуннинг гапи

БИР АВЛОД КЕЛМОҚДА

ОРЗУЛАРИ ЮКСАК, НИЯТЛАРИ ОЙДИН,  
ҚАРАШЛАРИ НУРЛИ

Қайси зиёли ёки ижодкорнинг болалик хотиралари ҳақида ўқисангиз, албатта, момоси, онасидан матал, эртақ, дoston эшитиб улғайгани ҳақида ёзади. Ҳаёт йўлларида нимагаки эришган бўлса, илк сабоқ, ибратни онасидан олганини айтади. Ибн Сино онаси Ситорабону, Амир Темур онаси Такина хотун, Бобур Мирзо онаси Қутлуг Нигорхоним, Мунавварқори онаси Хосиятхон отин, Абдурауф Фитрат онаси Бибижон, Исоқхон Ибрat онаси Ҳурибидан илк тарбияни, яшаш илмини, ибратни ўрганди. Оналар — таълим-тарбиянинг боши, аввали.

Узоққа бормайлик, элимизнинг суюкли шоири Абдулла Ориповнинг шеърятга қизиқиши онасидан юққан. Халқ ижодида меҳри баланд бўлган Турди момо вақтини қизанмай, лапар, терма, кўшиқлар айтиб берган. Ўғлини ўзи билан китобхонлик кечаларига, қишлоқдаги зукко аёллар даврасига олиб борган ва натижада бўлғуси шоирнинг шеърга, сўзга меҳри болаликдан уйғонган. Ҳазрат Навоий, Ғофзулий, айниқса, Яссавий ва Сўфи Оллоёв шеърларини ўша пайтларда ёд олган. Оналар ҳаммаша фарзанди учун йўл-бошиқ бўлган.

Тарбияда энг чироили усул ибратдир. Фарзанда юз бора китоб ўқигин деса-ю, ота-она ўзи қўлига китоб олмаса, меҳрли бўлгин деса-ю, ўн-йигирма кунда бирор қондошини йўқламаса, ҳаромдан узоқ юриш кераклигини айтса-ю, уйига кимнингдир ҳақини кўтариб келса, буш вақт бўлди дегунча телефон “қовлаб”, телевизорга термилиб кунини ўтказса, бағрида ўсаётган фарзанди — ниҳолдан олинандиган мева ҳам шунга яраша бўлади.

Ҳар қадиқа, ҳар оннинг қадрини билиб, таълим-тарбия учун аҳамиятли тадбирлар ила шуғулланиш, маҳалладаги ҳар бир ўғил-қиз тақдирини учун масъулиятни ҳис этиб, бола-нинг беғонаси бўлмайди дея теран қараш билан яшаш дахлдорлиқдир. Бу дахлдорлиқ ўз вазифасини англаш ҳисси билан боғлиқ. Ота оталик, она оналик, қўшини қўшинлик вазифасини билиб адо этса, ҳамжихатли шунда кўринади. Оиладаги муҳитнинг соғломлиги, меҳр-оқибат ва муҳими, бир-бирини тушу-ниш янгидан янги марраларга йўл очади. Камолга етаётган ўғил-қизларнинг орзуларини мақсадга айлантиради.

Қашқадарёга бир ғуруҳ зиёли, олимпиа, ижодкор, ўз касбининг устаси бўлган оқила аёллар таъриф буюрармиш...

Бу хушхабарни мамнуният билан қабул қилдик. Сафдошлар кенгашиб, уларни қайси манзилларга олиб борсак, мақсадимиз ва муддаомиз равшан бўлиши ҳақида келишиб олдик.

Республика Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳудудларга юборилган, аҳоли, айниқса, хотин-қизлар билан дилдан суҳбатлаштиш, уларнинг тақлиф ва ташаббусларини ўрганиш ҳамда масъулларга етказишдек ғоят гўзал вазифалар билан вилоятга келган “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари — Гулжаҳон Мардонова, Фароғат Худойқулова, қўмита масъуллари Раҳима Мирҳолиқова ҳамда Нодира Каримова билан Чирокчи туманининг Дам ва Мирзатўп маҳаллалари томон йўлга тушдик. Йўлда гапни ўзим бошладик:

— Биз томонларда “ҳамсоя товоғи” деган удум бор. Ўзи ёб турган таомидан ҳамсоясига илинади. “Бугун кечга палов даламанг эдик, шунга онам берворли”, деб болакай қўлидаги товоқда ош олиб чиқади. Икки кун ўтмай, идиш ичида тансиқ бир таом билан қайтади. Икки қўшин орасида шу удум давом этаверади, оқибатини етаклаб товоқ ҳам бориб келаверади. Қаранг, бунда бир яхшилик бор-да, ёб турган лўқмасини ёнидагиларга илиниш. Таом ҳиди қўшининикига ўтди, ҳақи бор дея унга ризқ улашиб. Қолаверса, товоқ кўтариб чиққан болакай учун бу удумлар ёзилмаган китоб, ибрат. Ўзига буюрган ризқдан ёнидагиларга ҳам бериш яхшилик эканини ўрганиб боради-да.

— Қашқадарёда яна бир яхши одат бор, — дейди Гулжаҳон опа. — Эр-хотин бир-бирини катта фарзандининг исми билан қақиради. Бердиёр, Фароғат, Муродулла, Сабоҳат... Бунда ҳам бир ҳикмат, турмуш ўртоғига ҳурмат сақлаш, унинг қадрини ошириш истаги бор. Фарзанд исми билан қақирш ёки сиз ота-она бўлиб элчида азия бўлдингиз, деган бир муқаррамлик бор бунда. Ота-она бўлгунча нима деб қақирлар экан дерсиз. “Ўғлингиз”, “келинингиз”, “сиз” ёки учинчи шахс номига қўйиб гапирш. Йиллар ўтиб инсоннинг ҳаётидаги ўрни ва мақоми ҳам ўзгариб боришига ишора-да бу ҳам.

— Кейинги йилларда қашқадарёлик қизларнинг олий таълимга қизиқиши ортиб бормоқда, — дея гапга яна қўшилдим. — Бир



Зиёда АМИНОВА,  
Қашқадарё вилояти  
ҳокими ўринбосари — Оила ва  
хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

пайтлар ижтимоий тармоқларни “ёндирган” мавзулар, яъни қизларни эрта турмушга уза-тиш масаласи анча чекинди. Ўқиган қиз қаер-да бўлса ҳам қадрли эканини одамларимиз англаб, қизларини ўқитяпти. Ишонасизми, Шаҳрисабзнинг Мўминобод қишлоғида қай-ноналар келинини олий маълумотли қилиши урфга кирибди. Келиним бўлғуси профессор деб кўкси тўлиб гапирётган момоларни уч-ратдим. Қўқдалада эса ўтган йили 49 битирувчи тиббиёт соҳаси талабаси бўлди, уларнинг 22 нафари қизлар.

Дамликлар бирпасда меҳмонларни ўраб олди. Битирувчи синф қизлари билан кечган суҳбат бошида сал қовушмагандек бўлди. Чунки қизлар аввалига меҳмонлар ёнида тортиниб турди. Лекин нотиклар ўз болалиги, оиласидаги муҳит, ота-онасининг ўнгитлари ҳақида мароқ билан айтиб бергач, суҳбат моҳиятан мазмунга эна бошлади.

— Барча яхши хулқ ва эришган ютуқларим учун ота-онамдан рози бўламан, улар шунақанги дарёрил ва катта қалби инсонлар эдики, энди билсам, юктиригларим бисёр ва мўл. Ҳаётда нимаики ютуққа эришган бўлсам, ота-онамдан олган тарбия, ўнгит эвазига, — дейди шоира Фароғат Худойқулова. — Сизларга қараб, шоирнинг ўша машҳур сатрлари ёдимга тушяпти-да: “Ох, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди”. Қаранг, куни кеча китобхон қизлар отасига ВУД машинасини совға қилди. Бирам ҳавасим келди. Мен ҳам отамага машина совға қилсам, қўзидаги қувончини кўрсам деб орзуладим. Энди сизнинг



ёнингиздан катта ташаббус билан пойтахтга кетсанам, биз каби ёши эллиқдан ошганлар ўр-тасида ҳам китобхонлик танловни ўтказилса, мен ҳам машина ютиб олсам, энам билан отамни суюнтирсам дейман-да.

Даврада енгилгична кулги кўтарилади. Фароғат опа масрурланди. Шундай бағрикенг одам-лар билан суҳбат қураётганино ўз элдошлари орасида дилидагиларни тўкиб солаётганига. Шоира юрт аёллари эъзозига доир шеърлар ўқиди. Унга монанд маҳалланинг қайвониси Севар момо жўр бўлди, лапар айтди. Даврани бир тўлқин, уйғониб кеза бошлади...

Қизлар қўл кўтариб, ўз мақсадлари ҳақи-да бийрон сўзлай кетди. Ана қаранг, Фаран-гиз қизимиз шифокор бўлмоқчи, Севинч эса таржимон, у аллақачон инглиз тили бўйича сертификат олган. Яна бир қизимиз Малоҳат элчи бўлмоқчи... Мулоқот дилқашликка қараб юз тутди, орқада ўтирган битирувчи қизлар-нинг қўли кўтарилиди, ўқитувчи, хунарманд,

тадбиркор, муҳандис, гидролог, геолог, ка-дастр ходими... Уларни тинглаб тоғдек юкса-ламиз.

Тарғиботчилар билан бир-биримизга бо-қамиз ва кўнглимиздан кечганларни ўқиймиз. Ҳа, бир авлод келмоқда, орзулари баланд, ниятлари ойдин, қарашлари нурли. Улар янги Ўзбекистоннинг янгича дунёқарашли ёшлари, қизлари...

Кейинги манзилимиз Қарши давлат универ-ситетининг мухташам зали бўлди. Бунда жам бўлганлар саҳнадаги мониторинг боқади. Катта экран ёришиб, унда ёзув пайдо бўлади: ИЛМ-ЛИ ҚИЗ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ.

Бошида ироқи дўппилари ярашиб турган, кўзларида қақин порлаётган битирувчи синф

аёлининг, униб-ўсиб келаётган қизларимизнинг тақдирини бор.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли дамлари ҳақида айтар бўлсам, дастлаб ўз тенгқурлари орасида истеъдоди ва қобилияти билан ажралиб турган қизларнинг исм-шарифлари ўқилди ва саҳнага тақлиф этилди. Сўнгра онажонларининг номи янгради. Давра тўри уларга мунтазирлиги, бу каби мўътабарлик фарзанд ортидан экани эълон қилинди.

Мана, улардан бири, қосонлик зукко қизимиз Гуласал Бўтаева рекорд натижани қайд этди, IELTS дан 9 балл олди. Ижтимоий тармоқларда бу ноёб қобилият эгасига тасаннолар айтилди. Биз эса барча рағбатнинг йўлбошчиси Гуласал-нинг онасига эҳтиром кўрсатдик. Ташаккурно-



қизлари бир-бирига зимдан қараб қўяди. Улар бу даъватни чин дилдан ҳис этаётгани шун-дқайна билинади. Ҳа, бугун ҳаёт олдимизга қўйётган масала, сўроқ ва саволларга ечим топиш ҳақида ўй сурилганида ягона хулосага келмоқдамиз: кўтқарса, бизни фақатгина илм, билим, таълим ва тарбия кўтқаради.

Сўз олганлар галма-гал мамлакатимиз таълим тизимидаги ислохотлар, янгиликлар, ўзгаришлар ҳақида гапирди. Айниқса, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ян-гиликлар айтилганида, оналар мамнун бўлди, қизлар эса бу каби қўллов ва рағбат учун му-носиб жавоб бериш марраларини кўзлай бош-лади.

Президентимизнинг жорий йил 14 мартда-ги “Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш

ма ва совгани олар экан, Сайёра Файзиева ўз изҳорларини кўзда ёш билан айтди:

Мен бу кунларни умид билан кутганман. Фарзанд ортидан севинишдан ортиқ бахт бор эканими? Шундай фаровон юрдада яшаб, қизим ортидан раҳмат эшитаётгани... Бунини тил билан айтиб бера олмаيمان. Агар юрагимдан кечганларни таржима қилиш имкони бўлгани-да, ундан бир сўзни ўқийсиз — шукр.

Олқишлар олқишларга уланди. Қизлар ор-тидан оналар тақдирланди. Шундай доно қиз-ларни улгайтираётгани учун уларга раҳматлар айтилди. Бунини кўрган битирувчи қизларнинг қалбида ҳам янги орзу пайдо бўлди: “Мен ҳам ота-онамни шундай эҳтиром билан сийлайман”.

Ҳаяжон, қараск, эъзоз ва шукроналик руҳи қалблардан қалбларга кўчди. Вилоят “Оқила аёллар” ҳаракати ва “Аёл маърифати” жамоат-чилик кенгаши аъзолари ҳам бўлган давранинг гурунглари анчагача давом этди. Қизлар-нинг мурожаат ва саволлари тингланди, зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Ҳаётимиз давомида учраётган баъзи маса-лалар ечими ҳақида фикрлашилди. Эрта никоҳ, қариндошлар никоҳи, ёшларни оилага тайёр-лаш, қизларимизни ўқитиш, тўй ва маърақа-ларни ихчамлаштириш каби масалалар атро-фида мунозара юритилди.

Ҳа, юртимизда “элининг виждони” бўлган қайвони отахон-онахонлар кўп. Уларнинг айт-гани айтган, дегани деган. Улар маҳалланинг ёшу кексаси ҳолидан ҳаммаша бохабар. Ким-нинг ўғли мактабни тугатди, кимнинг қизи пойтахтда ўқияпти, қайси рўзгорда аёлининг овози баландроқ чиқмоқда, қайси хонадонда эътиборга муҳтож қария бор. Бу саволларнинг жавоби уларнинг кузатув дафтаридан ўрин олган. Шу сабаб ким маҳаллага қадам қўйса, совчи бўлиб келса, аввал шу қайвони момолар билан учрашади. Бу одат, анъана йиллар даво-мида шаклланиб, қадриятга айланган.

Бугун замон шиддат билан ривожланмоқда. Ён-атрофда турли таҳдидлар соя солиб турган бир пайтда тарбияланган тарбиячиларга эҳ-тиёж тобора ортмоқда. Бу борадаги кечикти-риб бўлмас вазифалар, авлоднинг юксалтириш, миллат камолоти ҳақидаги ўй-ташвиш барча юмушларнинг аввали ва долзарби эканини кўрсатмоқда.

Маърифатли оналар илмли жамиятни бар-по этади. Бу каби чора-тадбирлар эзгулик учун хизмат қилади. Зулфияхоним айтгани каби ҳаёт китобини беҳос варақлаб, қўйида-ги ҳақиқатга қўзимиз тушади: “Оилада ҳам, жамиятда ҳам ҳамжихат бўлиш, ўсиш, юкса-лиш омиллари аёлининг донолигига боғлиқ. Бу донолик ва тафаккур меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди. Ўларвар, юртсевар ўғил-қизлар камол топиши учун мустаҳкам замин яратади”.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-546.  
36390 нусхада босилди.  
**Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** услифдаги босилган. **Қоғоз бичими** А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов  
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев  
Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА якуни — 04:33 Тошхирлиди — 04:35